

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



Food and Agriculture  
Organization of the  
United Nations



## АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф сонли фармойиши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги «Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2019 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 205-сонли буйруғига асосан 2019 йил 16-17 октябрь кунлари Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби К.Р. Рахимовнинг 90 йиллигига бағишланган “**Озиқ-овқат ҳавфсизлиги: Миллий ва глобал омилар**” (**Food security: National and global challenges**) мавзусида халқаро миқёсидаги илмий назарий анжуман ўтказилади. Конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Қурғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалиги бўйича тадқиқотлар олиб боровчи халқаро марказ (ИКАРДА) билан ҳамкорликда ўтказилади.

### Конференция қуйидаги шўъбаларда иш олиб боради:

1. Озиқ-овқат ҳавфсизлигининг миллий ва халқаро меъёрлари: Овқатланиш ва овқат ҳазм қилишнинг долзарб муаммолари.
2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати: Қайта ишлаш ва озуқаларни биологик қийматини сақлаш масалалари:
3. Экология ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги.
4. Саломатлик стратегияси: илмий асосланган овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш.

### Конференцияга тақдим этиладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар:

- илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзулар бўйича, илмий таҳлилларга таяниб тайёрланган, тугалланган фикрларга тегишли таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

- илмий мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин. Улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме ҳамда калит сўзларини келтириш йўли билан тақдим этилади;

- тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етук мутахассисларнинг камида биттасининг тақризи билан биргаликда қабул қилинади;

- конференция мавзусига мос келмайдиган ва нашр этиш талабларига жавоб бермайдиган маърузалар дастурга киритилмайди ва муаллифга қайтарилмайди;

- маъруза матнида келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгардир;

- сноска ҳар бир бетнинг пастида берилади ва матн охирида адабиётлар рўйхат шаклида келтирилади.

Илмий мақолалар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 ҳажмдаги қоғозга, юқоридан ва пастдан 2 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1,5 см жой қолдириб, бир нусхада расмийлаштирилган бўлиши лозим. Мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилиб, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми, отасининг исмини бош ҳарфлари келтирилиб ва фамилияси тўлиқ ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот (иш ёки ўқиш жойи) ва давлат (шаҳар) номи кўрсатилади сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб, матннинг мазмуни 1,5 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси MS Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида бўлиши ва умумий ҳажми 3 бетдан ошмаслиги керак. Мақолалар бир нусха қоғозда ва электрон шаклда **2019 йил 15 сентябрга** қадар қуйида келтирилган манзилга

тақдим этилади. Маърузаларни чоп эттириш ва бошқа харажатларни қоплаш мақсадида муаллифлар мақоланинг ҳар бир саҳифаси учун **25000** (йигирма беш минг) сўм миқдорида бадал пули тўлашлари зарур.

#### **Конференциянинг вазифалари:**

- ҳар хил соҳа мутахасислари (физиология, биокимё, ботаника, экология, тиббиёт, зоотехния, ветеринария ва ҳ.к.) ни озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларига оид фундаментал изланишларни ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, амалга ошириш ва бу йўналишдаги ишларни келажакда кенгайтириш ва интеграциялаш;

- хавфсиз овқатланишни амалга ошириш мақсадида бу соҳадаги миллий анъаналарни тиклаш ва уларни овқатланиш маданиятига оид замонавий фан ютуқлари билан бойитиш;

- чорва молларини озиқлантиришни оптималлаштириш орқали чорва маҳсулотларини миқдор ва сифат кўрсаткичларини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва биологик қийматини оширишнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

- экологик вазиятнинг замонавий ўзгаришини етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига ва инсон организмига кўрсатадиган таъсирига оид тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш;

- мамлакатимизда туризмни жадал ривожланиши туфайли оммавий овқатланишда кичик бизнес салмоғи ва унинг хавфсизлигини таҳлил қилиш;

- илмий анжуман материалларидаги қимматли маълумотлардан соҳа олимларининг илмий тадқиқот ишларида, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш ўқув жараёнига кенг тадбиқ қилиш имкониятини таҳлил қилиш.

**Манзил:** 140104, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳар, Университет хиёбони 15. Электрон манзил: [mirzohid\\_kuziev@mail.ru](mailto:mirzohid_kuziev@mail.ru), Тел: (+99894) 287-43-26 (Click) - Кузиев Мирзохид Садуллаевич, (+99897) 927-75-05 - Бозоров Бахриддин Махаммадиевич.

Конференция хабарномасини <http://samdu.uz/konferensiyasamdu> сайтидан олиш мумкин.

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**  
**7.05.2019**